

ЎРТА ОСИЁ – ИНСОНИЯТНИНГ ЭНГ ҚАДИМГИ МАСКАНЛАРИДАН БИРИ

*Пирматов И.А.,
Салоҳиддинов С., (СамДУ магистрлар)*

Мақолада Ўрта Осиё – инсониятнинг энг қадимги масканлари, Селенгур ғор макони, Кўлбулоқ, Учтут, Бўриқазиган, Онорча, Қоратангир, Қизқалъа, Янгажа, Такали, Камар, Шабакти, Учбулоқ, Қоратоғ, Лахути I, Хаволанг ва бошқаларни ёдгорликларнинг маданий қатламларидан топилган ашёлар хусусан меҳнат қуроллари ўзининг қадимийлиги ҳақида та'limotlar yoritiladi

Ўрта Осиё қадимги тош асрининг илк босқичи бўлган шелл-ашелл даврлари ёдгорликларини ўрганар эканмиз, бу ўлкани одамзод жуда эрта, бундан қарийб 1 миллион йил бурун ўзлаштирганлигининг гувоҳи бўламиз. Гарчи Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистон ҳудудларидан топилган ибтидоий кишиларнинг энг қадимги излари ўрта полеолит – мустъега нисбатан камроқ ўрганилганлигига қарамай мазкур даврга мансуб 30 га яқин манзилгоҳлар топиб ўрганилган. Бу ёдгорликлар орасида энг муҳимларидан Селенгур ғор макони, Кўлбулоқ, Учтут, Бўриқазиган, Онорча, Қоратангир, Қизқалъа, Янгажа, Такали, Камар, Шабакти, Учбулоқ, Қоратоғ, Лахути I, Хаволанг ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Бу ёдгорликларнинг маданий қатламларидан топилган ашёлар хусусан меҳнат қуроллари ўзининг қадимийлиги, соддалиги, қўполлиги билан кейинги даврларнинг меҳнат қуролларидан фарк қилиб ашелл даври қуролларига жуда ўхшайди.

Бу эслатилган ёдгорликлар орасида Селунгур ва Кўлбулоқ маконлари кўп маданий қатламга эгаллиги билан ажралиб туради.

Селунгур ғори Фарғона водийсининг Сўх тоғли туманида жойлашган бўлиб, 1958-йилда А.П.Окладников томонидан топилган ва кейинги йилларда унинг шогирди Ў.И.Исломов томонидан ўрганилган. Ҳорда олиб борилган қазилма ишлар туфайли тошдан ясалган жуда бой меҳнат қуроллари, ҳайвон суяклари ва одам қолдиғи топилди. Тадқиқотлар натижасида аниқландики, Селунгур ғорида яшаган аجدодларимиз бу ерни ашелл даврининг биринчи босқичида ўзлаштирган эканлар. Селунгур ғори кўҳна тарихимиз учун бениҳоят муҳим ёдгорлик. Бу макондан аждодларимизнинг суяк қолдиқлари топилганлиги муҳим кашфиёт эди. Антрополог олимлар Селунгур одами суяк қолдиқларининг синантропларга замондош эканлигини тасдиқламоқдалар. Селунгур одамининг суяклари Фарғона водийсидан топилганлиги учун унга “фергантроп”, яъни “фарғона

одами” деган шартли ном беришдилар. Селунғурдаги илмий изланишлар ва у ердан топилган қадимги одам суяк қолдиқлари ер юзида одамнинг пайдо бўлиш муаммоси ечимига қўшган улкан ҳисса бўлиб, эндиликда Ўрта Осиё ҳудудида одамзод илк бор пайдо бўлган минтақалар қаторига киради. Макон 5 маданий қатламдан иборат бўлиб, бой археологик материаллар берди.

Кўп маданий қатламларга эга ёдгорликлардан бири Кўлбулоқ маконидир. Бу ёдгорлик 1963-йилдан маълум ва ҳозирги вақтга қадар унинг ўрганилиши давом этмоқда. Бу макон Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани ҳудудида бўлиб, Чотқол тоғининг жанубий ёнбағрида, Қизилолмасойнинг сўл соҳилидаги Кўлбулоқ деган манзилида жойлашган. Бу макон 41 та қатламан иборат бўлиб, қуйи қатламлари ашелл даврига мансуб бўлиб, жуда кўп кўпол тош қуроллар топилган. Нуклеуслар, парақачалар, учриндилар техникаси жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга. Айни вақтда мазкур маданий қатламдан кул, кўмир қолдиқлари ва одам ғажиб ташлаган ҳар хил ёввойи ҳайвонлар суяклари ҳам топилган. Бу макон маданий қатламлардан топилган суяк ва бошқа буюмларнинг хусусиятига қараб, кўлбулоқликлар овчилик ва термачилик билан шуғулланганлар ва шу асосда тирикчилик ўтказганлар, деган хулосага келиш мумкин. Маконнинг ўрта маданий қатламлари мустъе, юқори қатламлари сўнгги палеолит даврига оид бўлиб, бу манзара маконда одамзод тўдалари ва жамоалари узок даврлар узлуксиз яшаганлигидан гувоҳлик беради. Хуллас, Кўлбулоқ макони фақат Ўзбекистонда, Ўрта Осиёдагина эмас, балки Марказий Осиё ва Шарқ оламида энг қадимги тош асри ёдгорлигининг ажойиб намунаси ҳисобланади.

Тошкент вилоятининг Балтоғор деган жойида жойлашган маконлардан ашелл даврига мансуб кўпол тош қуроллари ва бошқа ашёвий буюмлар топилган. Юқорида зикр этилган маълумотлар илк палеолит даврида Тошкент ва Фарғона ҳудудлари одамзод томонидан анча эрта ўзлаштирилганлигидан гувоҳлик беради.

Онорча топилмаси ҳам муҳим илмий аҳамиятга молик. Бу топилма Марказий Тяньшан тоғ тизмаси массивидан оқиб тушадиган Норин қирғоғидан топилган бўлиб, қайроқ тошдан ишланган чоппер, яъни бир неча кертис усули билан ўткирланган қурол топилиб, ибтидоий кўлболтани эслатади. Бу турдаги қуроллар илк палеолит даврида Ҳиндистон ва Ўрта Осиёда кенг тарқалган.

Учтут-Ижонд-Вауш маконлари ҳам илк палеолит даврига доир қизиқарли манбалар берди. Мазкур маконлар Навоий шаҳрининг шимолий томонидаги Қоратоғ жанубий бағрида жойлашган. Бу ерда Кавоби ёдгорлиги чақмоқтош хомашёси қазиб олинadиган шахта билан бирга палеолит

кишилариининг манзилгоҳи ҳам борлиги аниқланди. Кавоби яқинида Ижонд, Вауш каби маконлар бўлиб, уларнинг қуйи қатламларидан илк палеолит даврига хос ҷақмоқтошдан ишланган жуда қадимий қўпол ҷопқич, нуклеуслар, учринди ва бошқа қуроллар топилган.

Учтут-Ижонд-Вауш маконларидан топилган ашёларнинг характери ашелл-мустье қуролларини эслатади.

Илк палеолоит даври ёдгорликлари Тожикистон ҳудудида ҳам тадқиқ қилинган. Шулардан ашелл босқичига мансуб Қоратоғ I, Лахути I ва Хаволанг каби жой маконлар қизиқарли материаллар берди.

Қоратоғ I макони Ўрта Осиё, хусусан, Тожикистон ҳудудидаги энг қадимги тош асри ёдгорликлардан биридир. Ёдгорлик Душанбе шаҳридан 50 км жанубий-шарқда бўлиб, Ўтаган қишлоғидан 1 км шарқий-жанубида Ёвон Қоратоғининг юқори қисмидадир. Қоратоғ I нинг маданий қатламларидан ҷақмоқ ва дарё тошларидан тайёрланган хилма-хил меҳнат қуроллари, ҷунончи, қирғич, тешгич, ҷоппер, қирғочча, учриндилар, тош парчалари, нуклеуслар, бутун-бутун қайроқ тошлар, шунингдек, қўпол тош қурол ҷопқилар топилган. Қоратоғ I материаллари лаборатория усулида текширилганда 250-200 минг йиллик қадимийликни кўрсатган бўлиб, сўнги ашелл даврига, Овропадаги рисс ёки рисс-вюрм музланиш даврига тўғри келади. Бу дегани Қоратоғ I макони Ўрта Осиёдаги энг қадимги тош асри ёдгорликларидан бири эканлигини ифодалайди.

Хаволанг макони Хаволанг қишлоғидан 7 км шимоли-шарқда жойлашган бўлиб, денгиз сатҳидан 1800-2000 метр баландликдадир. Унинг маданий қатламларидан йирик учриндилар, тош парчалар, тош ҷопқилар ва бошқа ашёлар топилган. Тош қуроллар ва магматик жинслар учриндиларининг четлари эса ретушланган, яъни кертма услубда ишлов берилган. Бу маконнинг санаси 150-160 минг йилликларга мансуб бўлиб, Қоратоғ маконидан кейинги босқич ҳисобланади.

Лахути I макони ҳам Қоратоғ I каби илк палеолит даври ёдгорликларидан биридир. Бу ёдгорлик Қоратоғ I дан 80 км шарқда бўлиб, Обимозор дарёсига қўшилиш ерида жойлашган. Маданий қатламларда жуда кўп тош қуроллар топилган. Материаллар таркибида дарё тошидан ясалган меҳнат қуроллари ҳам учрайди. Шунингдек, учриндилар, суъний ушатиш тош парчалари ҳам кенг тарқалган. Лахути I маконидан топилган тош қуроллар лаборатория усулида ўрганилган бўлиб, унинг санаси 120-130 минг йиллик қадимийликка эга эканлиги аниқланган. Демак, Лахути I ҳам Ўрта Осиёдаги, хусусан, Тожикистондаги илк палеолит даври маконларидан бири эканлиги, яъни рисс-вюрм музлиги даврига мансублиги аниқланган. Бу ёдгорлик ёши жиҳатдан Қоратоғ ва Хаволангдан кейин учинчи ўринда

туради ва Тожикистондаги илк палеолит ёдгорлигининг ноёб намунаси ҳисобланади.

Қайроққум топилмалари ҳам қизиқарлидир. Қайроққум ҳудудининг 31 жойидан 1040 та тош буюмлар йиғиб олинган. Уларнинг барчаси ер юзидан йиғиб олинган бўлиб, унинг таркибида ашелл даври қуроллари ҳам борлиги исботланган.

Туркменистон ҳудудида ҳам кишилик тарихининг илк ва қадимги тош даврига мансуб ёдгорликлар унча кўп бўлмаса-да, топилган. Туркменистоннинг жанубидаги Копетдоғ этакларидан илк палеолит даврига оид ёдгорликлар топилди ва ўрганилди. Туркменистоннинг жанубидан топилган илк палеолит даври ёдгорликлари орасида Янгаджа ва Қоратангир маконлари алоҳида ўринни эгаллайди. Археологлар Қоратангир ва Янгаджа оралиғидаги жойдан жуда қадимий тош синиқ-учиринди ва иккита қўл чопқич топишган ва унинг санаси сўнгги ашелл даврига мансублиги ҳақида хулоса берилган. Бу миллоддан аввалги 200-150 минг йил қадимий даврга тўғри келади.

Жанубий Туркменистондаги Бекарслонтоғ жой макони Ашхобод-Красноводск темир йўли ёқасида бўлиб, у ердан ҳам сўнгги ашелл даврига оид тош қуроллар топилган.

Марказий Копетдоғнинг икки жойидан илк палеолит даврига мансуб макон топилган бўлиб, Шундан Томчисувбулоқ яқинидаги макон диққатга сазовордир. Томчисувжой маконидан 20 дан зиёд сўнгги ашелл даврига мансуб тош ашёлар топилган.

Қирғизистон ҳудудининг бир неча жойларидан илк палеолит одамлари излари топилган. Шулардан Полмон, Учқўрғон, Хўжагўр топилмалари фан учун катта қизиқиш уйғотади. Бу топилма қайроқтошдан ясалган қўл чўқморларидан иборат. Қуроллари Исфайрамсойнинг қирғоғидан топилган. Қайроғоч топилмаси қўл чўқморларидан иборат бўлиб, уни чоппер деб атаса ҳам бўлади. Бу қурол Қайроғоч қишлоғи атрофидан топилган. Учқўрғон топилмаси қайроқтошдан ясалган чопперсимон қуролдан иборат бўлиб, Исфайрамсойнинг ўнг қирғоғидан топилган. Хўжагўр топилмаси қайроқтошдан ясалган чопқич қуролдан иборат бўлиб, ашелл даври қўл чўқморларини эслатади.

Жанубий Қозоғистон туманларидан сўнгги 50 йил ичида илк палеолит даврига оид кўплаб ёдгорликлар топилган. Шулар орасида Такали I, II, III, Танирқазиган, Бўриқазган, Камар ва Шабакти I маконлари алоҳида аҳамиятга молик ёдгорликлар ҳисобланади.

Бу маконлар мажмуаси Қоратоғ тизмасининг бағридаги Такали деган жойда бўлиб, Кўктол дарёсининг Таккалибулоқ чашмасидан 5 км шарқдадир.

Такали маконидан йирик тош чопқилар, йирик учриндилар ва юмалок тошлар топилган.

Такали I, II, III деб аталган жойлардан эса 300 дан ортиқ тош ашёлар ва қуроллар топилган. Тош буюм ва қуроллар майда заррачалик қора ва кулранг- қорамтир чақмоқтошлардан ясалган. Макондан топилган қуроллар ўзининг соддалиги ва қўполлиги билан жуда қадимий кўринишга эга бўлиб Абхазиянинг (Гуржистон) Яттух, Сатанидар деган жойларидан, Шимолий Осиё ва Фаластиндан топилган сўнгги ашелл даври қуролларига ўхшашлиги кузатилган.

Бўриқазиган ва Танирқазиган маконлари Кичик Қоратоғнинг жанубий-ғарбий томонидаги қишлоқ яқинида жойлашган. Қидирув ва дала изланиш ишлари туфайли бу маконлардан чақмоқтошдан ишланган қўл чопқилари, учриндилар ва ҳар хил шаклдаги нуклеуслар топилган. Бу маконлардан топилган қуролларни ашелл даврига, яъни 700-350 минг йилликларга мансуб дейиш мумкин.

Қирғизистон ҳудудидан топилган қизиқарли ёдгорликлардан яна бири Шабакти I макони бўлиб, у Жанбул вилоятидаги Сарисув туманидаги Бойқадам пасёлкасидан 20 км жануби-шарқда бўлиб, у ердан тош учриндилар, нуклеуслар, қўпол чопқич қуроллари топилган, бу топилмалар кўп жиҳатдан Бўриқазиган ва Танирқазиган қуролларига ўхшаб кетади. Демак, Шабакти I маконидан топилган ашёлар ҳам илк палеолитнинг ашелл даврига, яъни 700-350 минг йилликларга мансуб бўлиши мумкин.

Қуйи палеолит босқичига доир маконлар Чўлоқтоғ шаҳарчасидан 36 км шимоли-ғарбдаги Учбулоқ, Шабакти-Инталн, Бургутли, Узунбулоқдан, Чўқон Валихонов ва бошқа жойлардан ҳам топилган. Айни вақтда Қозоғистоннинг шарқий, шимолий ва ғарбий ўлкаларидан ҳам илк палеолит даврига доир маконлар топилган. Булар орасида Сари Арка, Семиз буғу, Куяййқул каби маконлар диққатга сазовордир. Мазкур жойлардан қадимий қўл чопқилар, учриндилар, нуклеуслар, тош парчалари ва бошқа қуроллар топилган. Бундай тош қуроллар Манғишлоқдан ҳам топилган бўлиб, мутахассисларнинг фикрича, бу топилмалар ашелл, ашелл-мустье даврига, яъни мил. авв. 500-100 минг йилликларга мансуб экан. Бундан кўриниб турибдики, ашелл даврида одамзод гуруҳлари Қозоғистоннинг жанубий, марказий ва ғарбий туманларини кенг доирада ўзлаштирган эканлар.

Сўнгги 50-60 йил ичида Ўрта Осиё археологияси катта ютуқларга эришди. Ўлка ҳудудидан илк палеолит даврига оид 30 га яқин ёдгорликлар топилди. Бу ёдгорликларнинг аксарияти тоғ ва тоғолди туманларида бўлиб, баъзиларигина текисликларда топилган. Бу манзара бизга илк палеолит даври

одамларининг озиқ-овқат хомашёсига бой тоғлик туманларда кўпрок яшаганлигини кўрсатади.

Илк палеолит археологияси билан шуғулланган олимларимизнинг фаразларига кўра, илк палеолит ёдгорликлардан баъзиларининг санаси милоддан аввалги 500-300 минг йил қадимий даврга бориб тақалса, баъзилари 250-200 минг йиллик, бошқалари эса 200-100 минг йиллик тарихга эга экан. Бундан келиб чиқадики, келтирилган илмий манбалар, жумладан, Фарғона водийсида топилган манбалар бу ўлканинг табиий иқлими, шароити ва экологик имкониятларига кўра ибтидоий тўда даврининг ўрта босқичига — ашелл давридан бошлаб энг қадимги аجدодларимизнинг эътиборини ўзига тортган ва минтақадаги Селенғур ғорида синантропларнинг замондошлари илк бор макон топган. Бу макондан одам суяк қолдиқлари топилди. Бу воқеа Ўрта Осиёни одамнинг пайдо бўлиш минтақалари тизимига киритди.

Адабиётлар рўйхати

1. Асқаров А.А. Ўзбекистон тарихи. -Тошкент, 1994, 24 б.
2. Касимов М.Р. Многослойная палеолитическая стоянка Кулбулак в Узбекистане. МИА, 185. -М., 1972.
3. Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. -Тошкент, 1990, 20 б.
4. Ранов В.А. Два новых памятника каменного века в южные Таджикистане. Тр. Инс-та истории АН ТаджССР. N34, 1962; Ранов В.А., Насминов С.А. Палеолита стратиграфия антропогена Средний Азии. - Душанбе, 1973, 7-10 с.
5. Жўракулов М.Ж. Ўрта Осиё ибтидоий археологияси. -Тошкент, 1984, 32-33 б.; Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. -Тошкент, 1990, 24-25 б.
6. Конопля Т.Т. Следы людей каменного века на территории южной Киргизии. Изв. АН Кирг. ССР. Сер. Общ. Т. I. вып. I. 1959.
7. Алпысбаев Х.А. Открытие памятников древнего и позднего палеолита в Южном Казахстане. СА. № 1, 1961; он же: Находки памятников каменного века в хркбте Коратау. Тр. Инс. ист. арх. этногр. АН КазССР, том 14, 1962.